Шу пайт ёруг осмон гала-гала күзгүллар тусини олган кора булугта түлиб, атроф зимиистонда колди. Бир неча дәқиқалик сукутдан сүңг яна енгил-енгил ёришиб бориб, хаммаси ўрнига тушиб, аввалги холатига кайтди. Кийиллар энди енгил нафас ола бошлаганида яна бир ходиса, күкда яна бир нималар, номаълум, номи ноаён жисмлар устма-уст карсиллаша тушди, гүё чинни лаганлар чил-чил сингани каби атрофга галати товуш ёйилди. Күкнинг токи тешилдимикин ё?! Сүңг юкорида харсанг тошдек бир думалок чакмок хосил бўлиб, шахзоданинг устига караб, бир тезлаб, бир секинлаб, бостириб келаверди, келаверди. уни кўриб турганларнинг оғизлари мум-ланиб колди. Бирон кишининг очик оғзи йўқ эди, гўё кимдир бунинг удасидан чиккан. Сўнг-роқ чакмок бирдан тўрга осилиб котгани каби хавода муаллак котиб, турнирни котиб, турнирни, патос бөлгаган ярадек купилмагандага тарс ёриплиб, заррапари шахзоданинг бошига кипча хам тетмай, озор бермай, атрофига тилла кукун бўлиб сочилиди. Бу ходисани кузатиб турган ахли кишлоп осмондан кўз узолмай колди. Ўзининг иссик кунида момакандирок нима киплади, чакмок нима киплади? Корга булуглар нима киплиб юриди? Акпта сигмаган бу ходисотларнинг боиси не? Буни биринчи бўлиб, вазири аъзам англаб колиб, ўрнидан туриб кетди. Бугун ахир Шахзоданинг муборак ўн саккизга кирган куни-ку, хам тугилган... хам ўладиган куни. Шахзоданинг жонини олишига юборилган ўлым фариштаси аэройл чакмок киёфасида юборган тош кайси диркучлар тъсирида йўлнинг ўзи-даёв бурдаланиб кетди. Демакки, юз кишининг дуоси Аллоҳга етиб борган. Демакки, шахзода авф этилган, демакки, „унинг ўлими беркор киплинган. Шахзода энди ўлмайдиган бўлган. Вазири

шахзодага бу ходисани изохлаб, яратган томондан аиф этилганини, жони саклаб қолинганини тушунтириди. Бундан бехад шод бўлган шахзода кишлоп ахлига миннадорчиллик билдириб, эндиликда улар учун умрининг ожиритча хизмат килишга тайёрлителни айтиб, узок тавъим кипди.

Шахзода хозиргина хушину бўлган, энди бир чекка-ло үтириб, йигига тушган вазири аъзамни кўриб, хайрига колди.

— Вазир жаноблари, нега хурсанд бўлиши ўрнига, йиглайсиз?

— Шу тобда отангиз, шахзандоҳ сизга аза очиб, мотам либосини кийиб олган бўлса керак. Афуски, у киши сизнинг умрининг кайтиб берилганидан бехабар. Сикилиб, сизнинг догонгизда ўзини бир нима киплиб кўймаса гўргайди, деб, шунни ўйлаб, кўз ёш тўкурмен, — деди.

Шахзода чукур ўйлаб туриб:

— Аспида омонат жоним кайтиб бериллиб, хаётимни давом этиришига изн берилган экан, менинг бу ерларда нима бор? — деди хушер тортиб. — Етарлича синов-пардан ўтдим, чоги. Отами мотам либосида кўришни мен хам истамасман, кайтайлик, уларга далда бўлайин. Мамлакат чегараларини мустаҳкамлаш, у ерларга ўрай куриб, давлат тузиш каби юмушлар шу буғунча ўра-турсин.

Икки юздан зиёд киши, бутун бир күшинни ёдга солиб турган кишлоп ахли сардорлари шахзода амрига куплок чушиди. Шахзода юраги тошиб, ичда ота-она дийдорини ўтиб, согниб, унга маҳтал бўлиб турган сафдошларига каратга, хитоб кипди:

— Хамма оёкка турсин, хадемай йўлга тушамиз.

КАВУШ

Ойимкиз түйкүс үйгөниб кетди. Кечаги холат, корнида тагин майин харакат. Хомиласи беозоргина киммirlаб күйганини сезди. Ёкимли тебраниши Ойимкизниң аъзойи баданига ширин титрок солди. Күзларига илик ёш келди. Беихтиёр отасини эспади. «Кизимни кариндошларнинг кайси бирларига бераман, хотин, – деганди бир куни тавалло килиб. – Бир эмас, түрг кариндош юзимга карайди. Сен томондан битта, ўзим томондан учта. Хаммаси бармокдек юрагимни оғритиб туриби. Бирига берсам, иккинчиси кош уяди. Кизим түртта эмаски, хаммасига таксимлаб берсам. Нұма килаі, яктогина бўлса».

Отаси барибир тўғри килиді. Кизини ташкаридан сўраб келганларнинг бирига, Махмуд сарой отлиг кишининг оиласига беришига розилик билдириди. Сураб-Суриширганда Махалла катталари малькулашиб, утрут томондан кўниб ўтадиган карвонларга дам бериб, жою, ош-нон бериб, элда хурмат топган Чорсарой донгии олган сарой сохиби – Махмуд саройни узок алкаши. Тагли, тугли, сайдлар авлодидан бўлса хам ўз холича кун кўрадиган, бироннинг кучига, пулига, ёрдамига таянмайдиган, аммо бечора камбагалларга, етимесирпарга, эшигига бош уриб келган эхтиёжмандларга кўлидан келганча кўмак берадиган, бъазан ёрдам тарикасида ўз саройига хизматга хам оладиган фазилатларини бот-бот ёдга олишиди, окил одамга куда бўялпсиз, баҳтили бўлишсин, дея фотиха беришиди.

Тўй катта бўлди. Узокдаги кариндошлари хам биринки кўчиб келиб, обруларини тагин бир погонага кутариб беришиди. Болаларнинг чултур-чултурлари, кизжувонларнинг ўйнаб яйраганлари, айтган ўланлари хали кулогида турибди. Ўша куни неңта дугонасининг унга

Хаваси келган. Эшилишича, күёв бир муддат отаси ёнида карвонсарой ишларини юриширишга кўмаклашиб турган-у, кейин карвон одамларига кўшилиб, белига пул болаб, катта йўлни орзу килиб колган. Отаси: «Ёнимда юра тур, сенга нима ташиш. Е бирон сикилган жойинг борми?» деганида у хам буш кепмади: «Ота, эртага келин олиб берсангиз, олдида дўлли тикиб ўтирайми? Йилит бўлдим, кўча кўрай, йўл кўрай, шахар кўрай», деб пешотишига розилик берган ошналари Хошим сарик билан Юсуф ўрис тўй ўтгандан кейин ўртага тушиди. Боз уснита: «Йигитнинг сазасини ўлдиригунча, хўрознинг буйни уз! Ўглининг йўлини мана шундок тусаверсанг, куни келиб токка кочиб кетса нима киласан? Хар не бўлганда хам сеникидан кичикроқ бўлса хам ундаям бир парча юрак бор. Чўг бор. Кўйнига киз солиб, юрагини ловуллатиб кўйган бўлсанг хам майлийди?! Качонгача бу ерда чой ташиб, дастерпик килиб юради. Кўнглига кара! Бизга ишонавер, биз юрган дарёмиз. Ўглинг ўзимдек ингичка бориб, ўзимдек калин бўлиб келади. Жонига ман тан!» Дейишиб, тиккан келишавергач, рози курум сўзларини хам ичига ютиб кетолмади. Чилимдан, бузадан йирок тупинглар, китоб тақиқлаган хунаса килилардан саклангиз. Яна топганини дала-даштдаги бўрипарга едириб келмасин, деб каттик тайинлади.

Шунга хам уч ой бўлди. Хисоби бўйича шу кезларда кайтиши керак. Бугун бўлмаса, эртами-индин эшик кокибниг ўйдагилари хам шуни деган. Тог багирлари лолакиз-гапдокка бўялгунча уйда бўламиз, деганди бир ёстикка боз кўйган Мўминжон акаси: «Бошим омон келишини ду килиб турсангиз, сизга бир дунё совга: бошдан-оёқ саруо олиб кептираман. Сиз мени бахгли ошналарим

каторига күшиб, юзимни ёрүг, башимни баланд, гурӯримни, обруйимни осмон қилдингиз. Сизни севганпар, сизни орзулаганлар, сизга кўз тикканларни оёғим остида нимта-нимта қилдирдингиз. Энди сизга муносиб булишга, узукка ярашган кўз мисоли ошик-машшук булишга сўз бераман. Этагингизга хам гард ютирамайман. Сизни аспи зимдан, болаликдан севиб эдим. Аммо бу севишларим ичимда эди. Сенга хам севги борму, деб устимдан кулишмасин, деб рости, бирога айттолмасдим. Аммо ичим ёнгандан ёнар, лахча чўг каби жизиллар, орзулагим, эртам, кейнги кунларим хам уларга кўшилиб, кулга айланмокда эди. Аммо сиз эрта тонгдан бош кўтарган кўёш янглиг яраклаб кўриндингиз-у, камина шудрингдай эриб, булултар орасига яшириндим. Онаимга раҳмат, отамга раҳмат, хаммадан хам сизни танилатан сингилларимга раҳмат. Улар эшигингиздан оёқ узишади. Боргани борган бўлишиди. Бирорларнинг кўрпангга караб оёқ узат, дейишганига хам карашмади. Факат сизни дейишиди. Мана, осмондаги бир юлдуз факт менга нур сочадиган бўлибди. Бор меҳрини менга берадиган бўлибди. Шундок бўлгач, мен нима килишим керак? Балли, мен сизнинг суюйдиган тиргатингиз, хордик учун чўзилгандан момик бир ёстигингиз бўламан. Юзингизда кулгу, завк суратини кўриб турсам, кўлингиз етмаганга кўйл, оёгиниз етмаганга оёқ бўлсам, менга ўша баҳт. Ўша менга бир ширин таом, ўша хузуру, ўша халоват», Ойимкиз турмушдоши, куёвбона Мўминжоннинг келишган кадди-коматини, оғиздаги опток тишларининг ярмини хамишия порлатиб, жилмайиб турувчи юзини, мулоийим бокиб турувчи кўй кўзларини, бошига ярашган калдиргочнусха дўлтисини кўз олдида чизиб, беихтиёр бир ширин оғрикни хис килди. Бу оғрик азобига дош беролмай, юзлариде ёш думаланди. «Согиндим, Мўминжон ака, биз иккаламиз сизни жуда согиндик. Рости,

кўзларимда тўпланган ёшни кўрсангиз эди, ишонардингиз. Хаккос дердингиз. Сизни согиндик».

Эртасига кимнингдир туши ўнг келган, шекилли, шомга якин эшиклари такирлаб, хабар келди. Юсуф ўрис

карвони бир ярим-икки кунлик йўлда эмиш. Карвонлари хирмон-хирмон. Эндингина кўшилган Мўмин деган йигитчанинг хам тупларини бели ерга тегиб келаёт-ганимиш. Бозорлари тукканимиш. Буни эшишиб, Ойимкиз-нинг хомиласи хам кувониб кетди-ёв.

Ойимкиз бу кун хам хийла эрта турди. Юз-кўлларини тезда ювиб-артиб, кўлига супурги олганни замон ўзини кучада кўрди. Уч ой бўлибдики, кайнотаси Махмуд карвоннинг кўчасини супуриб, ялаб-юлкайди. Уйларига бироз туташиб кетган масжид кўчасини, эшик очик турсупуриб чикади. Раҳматли бувиси айтгувчи эди, уй, ховли, айникиса кўча супуриб, атрофни чанг-губордан фориг юзини очган ўз йўлини очган билан баробармиш. Масжидига Аллоҳдан кўпдан-кўп савоблар ёилармиш. Ер жидни, яъни, Худонинг ўйини, кўчасини супурган-чи? Масжидга кунда беш маҳал ташриф буориб тургувчи ялагундек холатга келган, боз устига устидан бир кафтдан-бир кафтдан сув сепилган йўлаклар кишининг дилини равшан кипмайдими? Димокка факт сийрак экилган району гулсафарлар бўйини урмайдими? Кишига бундай озода, сариштали маскан хамишишалик жаннатни эслатиб турмайдими? Ха, Ойимкизнинг юрагини чаман килган нарса хам аспи шу. Хар куни эрта тонгдан масжид йўлакларини бот-бот супурганда ўзини анча енгил, куш хис кипади. Каноти бўлганидами, шундаям супурарди, канотлари билан хам супурарди.

Шундай ёкимли хаёллар гирдобида ўз эшиклари осносида туриб колган Ойимкиз бир пас ўйга толди.

Негаки, ёмғирли күз хам оёклаб, совук бир оким, қахратон кишини ёдга солиб, аёс келаяпти. Гапига исбот сұрагандек, шу тобда оёклари остида кор учкунлари хам түдалана бошлади. Ойимкиз шошиб колди. Бомдод намозига вакт оз колаяпти. Төзрок масжид ховлисига кириб, оёк осталарни супуриши керак. Илдамрок харакат килмаса, сүфи уйғониб колади. Сүфи уйғонса, бу ерни намозхонлар босиб кетиб, савобдан бебаҳра колади.

Ха, шошиш лозим...

Ойимкиз юмушига чаккон киришди; супурганинг беллини букиб, ер юзи даги кор парчаларини бир чеккага супура бошлади. Йүп устини оча бошлади. Гап имом ётіб-туралынан күлба останасига келганды тұхтаб колди. У ерда чироили амиркөн кавушнинг түмшуклари кипичдек ялтираб турарди. Ойимкиз кавушга хавас билан бир пастиклиб колди. Мүмминжон акасининг хам оёгіда шундай поіабзап күргиси келган бўлса не ажаб. Устига кор тушаётганини кўриб, капалаги учди, баттар шошли. Беихтиёр: «Вой, менинг туришимни-чи?» деб юбордди. Кор учкунларидан астраш кўйида кўп ўйланиб турмай, кавушларни эшикнинг кирраларига каппокдек кийгизиб кўйиб, поїндозни тозалаб супуриб бўлиб, бажарган юмушини имтихон килишига чөгланиб турганда, останада сўфининг томок кирганини эшитиб, бу жойдан совун янгитиг сирганиб кочиб колди. Кавушлар эса, илинган жойида фаромуш бўлди.

Ойимкиз ўз эшикларига етиб келиб, ўз кучаларини, останаларини, кўйинг-чи, оёк тушиши мумкин бўлган барча ерни кордан тозалаб, ичкари кириб кетди.

Сўфи билан баб-баробар уйғонған шекипли, қайноғаси Махмуд карвон хам кадамларини янги ёккан кор устидан йирик-йирик босиб, масжидга шошилди.

Ойимкиз кундалик юмушларига ўралди.

нингидан солиб, ёстиқларни түргираб, нахорги дастурхонни тузаб улгуришанды кайнотаси Махмудсарой на-моздан сўлиб кайтди. Унинг юзида шу чоккача бирор Марга бўлсин, сўниклик, тушункисиз бир холатни сира кўришмаган эди. Буғунгиси, уй ичига, шу ерда яшайдиган хар бир юракка соя солди.

— Дадаси, — деди бироз эхтиёткорлик билан унга чой үзатаркан Мехри ая ён-атрофга караб. — Тинчликми?

— Ғалат бир иш бўлди, — деди Махмуд сарой. — Шу чоккача масжид тугул, махаллага хам бирор ўгри оралмаган эди. Нусрат носкашнинг ўғли бир марта гунохини отаси сўраб олганига уни ок пошшанинг давлатига ўрмон кесгани кувгин килиниб, эл кутулганди. Соли сомон билан Коғим чилим у дунёга риҳлат килганига неча замон-пар бўлди. Ташкаридан гумон килиш ўринисиз. Бирон ёш яланг деса.. Яна ким билади?..

— Нима ўғирланибди, дадаси. Бирорвнинг уйи куйибдими? Ё оти етакланганими? — Кизикиши устун келди кайнонанинг. — Гапингизни очиб гапиринг, бари тушункисиз...

— Мол йирикмас-у, аммо нозик нарса... Биз кўп ма-ломатда колдик. Майли, гап очилди. Буғун эрта билан масжидга йигилиб, бомдод намозига йигилганимизда имом-домла ичкаридан кавушсиз чикиб келдилар. Ҳаммамиз ҳайронликда ёка ушлаб колдик. Бу ёқда янги совук уриб турган бўлса; совук изгириги сукларимизга хам етиб келган. Титратиб турниди аммо. Имом-домла буарга эътибор бермаӣ, оёқларини совук ялаб турса хам бомдод намозини ўкий бердилар. Ноҷор биз хам Кавушлардан оёқларимизни бушатиб, у кишига эргашган кўлий чурк этмай, намозни давом этиридик. Охирлатдик хам. Кейин бошланди гап-сўз. Наби кассоб билан Чори ёғбуруш айюханносни баланд килишиди. Ҳудди килич-бозлардек давранинг түрига шаҳдам чиқиб, у кишига

Дуруст күрниш күйдами билмадим, дарров имомнинг
оёқларига бири кавуш, бири патак бўлиб, кавуш угри-
сини топамизга тушишди. Бугунок топиб, дорга осамиз,
эл олдида ўзини хам, оиласини хам юзини шувут килиб,
Махалладан бадарга киламиз, дейишиди. И мом-домла
бўлса, кўйинглар, бир арзимас нарса. Бирор янглишики-
йиб кетган бўлса, кеттиар. Узрини айтар, десалар хам,
корчалонлар шаштаридан кайтмадилар. Кейин хеч ку-
тилмаганде Набисими, Чорисими, оркадан англомай
колдим. «Кавушни ким ўтирглан бўлса худоё худованда
эртага ўзини бомдодга кўтариб чикайлик. Омин» деб
юборса бўладими? Билиб-билимай, Хаммамиз кўллари-
мизни кўтариб юбордик. Хурмачага сигмайдиган килик
бўлди-да, яна уни шунча эси йўқ одам кўш-кўлласа...
Эшигтувчилик каторида пиёлата индамай чой куйиб
турган Ойимкиз кутилмаганде бир ёнига кулаб тушди.
Чоп-чоп бошланди. Яхшиям кайнона эпчилик килиб,
келиннинг юзига сув сепди, ичирди. Ўлган Ойимкизи
тириптириди. Келин чучиб уйғонган каби кўзларини чарос
очиб, мижжаларига ёш келди.

— Одамни кўркитиб юбордингиз, келин? Тинчликми,
нимга тап? — деб сўралганда Ойимкиз ўрнидан турмокчи
бўлди. Туролмади. Факат сўник бир овозда деди: — Ка-
вуш ўтирланмаган, у эшик киррасига илиб кўйилган эди.
Менинг айбим ипа...

Катталар бир-бирларига караб колишли.

— Кавуш, эшик киррасига... Нималар деяпсиз, келин?
Бир бошдан гапиринг.

Ойимкиз ўзиға тикилиб турганларга айбдорона ер
остидан каради-да, деди:

— Эрга билан имом-домланинг кулбаси остонасини
супураётуб, кўзим кавушларига тушди. Мени уни эҳтиёт
килиб, юкорига, эшик киррасига илиб кўйиб эдим. Хали
хар ўрнида турган бўлса керак...

Махмуд карвон оркасидан Мехри билан Ойимкизни
эргаштириб, масжидга келиб, ховлига киришиди. Дарров
кулба эшили устида кор коплаган алланарсани кўришиди.
Уни олиб, кокиб кўришганда мълум бўлди: имом-дом-
ла панинг амиркон кавушлари экан. Дарров воеани имом-
га тушунтириб, Махмуд карвон оиласи, келини номидан
уэр сўради. Гап ичида боя Наби кассоб билан Чори ёғ-
фуруши килган дуоибадни ўргдан кўтариб бериб, кели-
нинг ўзини очиб беришни сўради.

— Бундай ишларга ёлғиз бошим калталик кипади. Сиз
яхиси, Садир эшонга учранг. У киши бирор чораси,
иўлини кўрсатиб бермасалар, биз ожизмиз, — деди
имом-домла бошини сарак-сарак килиб. — Аммо мен
хам дуода бўламан. Бугунги намозларда келганларга
ётиги билан тушунтираман.

— Юринглар!

Махмуд карвон оиласини бошлишиб, эшоннинг эши-
ни қоқди. Ичкарида бир-икки одам бор экан, кутиб
туришиди.

Эшон воеани эшигтач, кошлари чимирилди.

— Бузоклар, бузоклар, тирраки бузоклар. — деди узок
сукунни бузиб. — Подани булгатадиган бузоклар улар.
Масжидга, худонинг уйига кирдингми, тоат-ибодатинги
килиб чикавер. Бирор олдинга масала кўйдими ё Маж-
бури кипдими? Гўдайланлар, кеккайланлар. Нима, сенларга
пар. Улар бавзан ўлончишлардан хам ўзиб кетадилар.
Киплаварамлар, каллаварамлар...

— Энди ўзингиз бу дуоибадни кайтариб бермассангиз,
нимини бу маломатдан ажратиб бермассангиз. Биз, нима
деган одам бўламиз?

— Тушкунликка тушманг, ним. Худонинг багри кенг,
муруввати бисёр. Пойига йикилиб, арзини айтганни

эшигтан. Сүраганини берган. Хеч бирини курук кайтармаган. Ягона йўли: худога бот-бот нола қилиш. То тонг-гача тинмай яратганга сажда қилинг. Мехробдан тушмай, сажда қилаверинг. Ўзга чораси йўкдир. Мен ҳам бу ёқда сўраб тураман.

Махмуд карвон эшонга назр бериб, уйга қайтиши. Енгилгина тамадди қилган бўлишиди-да, жойнамозга катор ўтириб олиб, билганларича яратган этамга нолаларини тавалло қила бошлаши.

Кўз осталарини кизариб, бир алфозга тушган Ойимкиз қайта-қайта хомиласини ушлаб-ушлаб кўяди. Коронгу дунёдан, унинг учун кора зимиштон бўлган бу кундан норози бўлган кепин факат икки кишини ўйларди: бири бу томонларга ошикиб келаётган Мўминжону, бирни ҳар икковини очадиган хомиласи. Уларгина хурсанд, уларгина баҳтиёр. Баҳтсиз эса ўзи. Ёғиз ўзи. Бир ўзи баҳтсиз бўлса бир нави эди, энди эса бу эҳтиётсиз кепин, бу нобакор кепин бу икки баҳтиёр кишини хам баҳтсиз, яроксиз килиб кўймокчи. Бир одам деб, икки киши тирик кетади. Тирик мурда бўлади. Отаси, онаси-чи, янги отаси, онаси-чи, улар-чи? Улар хам бошлари этик, кимларгадир масхара, кимларгадир томоша бўлади. Энди холинг не бўлди, дегувчилар чикса, уларга кандай карайдилар? Ойимкиз уларни пичоксиз сўйидику, конларини чикармай сўйиди-ку. Ернинг остига, лахаддан хам анча ичкари киритиб юборди-ку. Хомиласида нима айб эди? Мўминжонда-чи? Нега унинг босини хам, кўзларини нам қимломочи? Унинг айби нимада эди? Севганидами? Бошига кўтарганидами? Йўлма қимломкерак? Булардан кутулиш йўли борми? Кани, кани...

Ярим кечада учала киши: Махмуд карвон, Мехрия, Ойимкиз уйкуга гарк бўлиб, ҳар ер-ҳар ерда пинакка

кетиб колишиган экан. Улардан барвактрок уйғонган Мехрия аввал эрини турғизиб, нариги уйга чикариб юборди. Сўнг келинни турғизиб, кеча кечкурун келишиб олишинидек, масжидга чикариб юбориши лозим эди. Бир кўнгли бир оз дам олса нима қиларкин, деб ўйлади. Бир бошлидади. Туравверматач, сал каттикрок туртган эди, кепин кўнгли... йўг-ей, турғизмасам бўлмас деб, уни аста турга бир томонга жонсиз ағдарилиб тусди.

Мехрияning кўзлари катор-катор ёш, хўнграб чикди.

Буни эшигтан Махмуд карвон кўлидаги сочиги елкасига ташполмай, остонаяда туриб колди:

— Ха, онаси, нима гап?

— Кизим, дегандим. Онам дегандим-а.

Кайнота-кайнонанинг бошлари тутаб кетгандек бир алфозда ўзларини жонсиз жасад устига ташлаши.

Шу тобда ташкарида шовқин эшигтилди. Чол-кампир бир-бирларига сирли караб кўйишибди-да, аста ховлига

чишиди. Не тонки, эшикда қозларida кувонч порлаган

зурриётлари Мўминжон шахдам-шахдам одимлаб ки-

риб келди. Ота-онаси юзига тушган кўланка, яна устига

тушган мунгни кўриб, ўтилнинг хам таноби кочди.

Ота-она чурк этолмай, кўзлари ила ичкари уйга ишо-

ра килишиди.

Мўминжон кандайдир ноҳушиликни сезиб, яна уларга

каради:

— Ойимкиз... келинингиз кани?

Улар жавоб ўрнида яна ичкарига ишора қилишибди.

Орадан киприк коккунча вакт ўтмай, ўтилнинг бўкириб йиглагани эшигтилди.

Шу куни бомдод намози келинни тобуга солиб олиб гапларинг оғизлари ланг очилиб колди. Шундай бўлсало, имом-домла йигилганларга воеани батагиси ту-

шунтириб, факат бир оз эхтиётсизлик оркасида кавуш эшик киррасида уннитилганига, бунинг учун келинни айбордor, ўргига чикариш инсоффдан эмаслигини кайд килиб ўтди. Шунингдек, дуоибадда иштирок этганларга хам бу нотүгри хатти-харакати учун тавба килиб, Ал-ложа тавалло кипишпарини алохида утириб ўтди.

„ Кош корая бошлаётганды эшикда бирорнинг чакиргани эшилтилди. Мүмминжон останада гүрковни күриб, ёка ушлади:

— Тинчликми, ака?

— Тезда мен билан бирга бормасангиз бўлмайди, — деб туриб олди у. — Юраверинг, ўша ерда тушунтираман. Вакт зик.

Иккоби кабристонга кириб, гур олдига кептанды, гўрков: — Майтингиз анчадан бери безовта, рухсат берсангиз, қазийман, — деди. — Сиз хайрон бўлманг, бунака воеалар бўлиб туради.

Мўминжон нима бўлаётганига акли етмай колди.

— Сизга айтмай келаётгандим. Гўрдан ингрок товушини эшилтигандай бўлдим, — дея кўлига кетмонни олди гўрков. — Тирикка ўшайди...

ТАЗАРРУ

Жувон кумуш симлари окаётгандан сувдай жилоланиб турган нафис кўйлагини кийди-ю, тирик баликка ўхшади-копди: кўйлак унинг белига, таранг сийналарига, текис елкаларига копланган тери янглиг ёпишиб, оккуш мисоли узун ва силлик бўйинни янада очиб юборди.

“Нимаяма кипардим, — бехол шивирлади аёп шифтда чайкалиб турган арконга караб. — Шу кўйлагимни эрим жуда яҳши кўради. уни кийган куним у мени кучиб, ўпарди... Энди бўлса... Майли, энди ўлигимни кучса хам армоним йўк”.

Жувон курсининг устига чикиб, сиртмокни бошига кийлизаркан, кўзларидан беихтиёр дувиллаб ёш кўйилди. У юзини кафтларига яширган кўйи, оёклардаги титрек тингунча котиб турди. Сўнг бирдан сесканиб, кафтларини ёэди-да, девордаги осиглик суратга каради. Бадани жи-мирлаб кетди. Суратдаги эрек баҳтиёр, ўзи эса сув падиси мисоли нозли ва гўзал...

Жувоннинг томогига бир нима келиб тикилгандаи бўлди, бўғилди, кўзлари ачишиди: “Аёл киши нега бунчар ожиза, бунчалар заифа килиб яратилганди?”

Куттилмаганди...

„Ланг очик эшигу деразалар шамол сургандаи таракачинни идишлар ўёдан-бу ёкка сурилиб, кандил тошиблари бир-бирига урила бошлади... Ташкаридан зарб кўзлари чил-парчин бўлиб, ойна синиклари хар томонга сачади. Жувон теварак-атрофда рўй бераетгандан сирли ходисаларни англаб улгурмай, шитоб билан дукурлабўтан юраги такка уришдан тўхтаб, жони сугуриб олингандай гилам устига кулаб тушди...

Нотох аёлтирилди. Юрак кайтадан тепа бошлади. Ажабо, унга яна бир юрак тепкиси кўшилди. Улар энди кўш соатдай хамоҳанг тарзда дукурлашарди. Дукурлашлар зўрайландан зўрайвериб, ниҳоят кўкракни ёкиб чиқиб, энди хонани хам бир маромда тебратга бошлади. Тошойнадаги чайкалиб турган чинни гулдон гул-пули билан ерга тушиб, булакларга ажраб кетди. Энди тошойна, стол-ступлар хам тебрана бошлади. Шу пайт каердандир кетма-кет “карскурс” этган товуш эшилтилди. Бу карслилашлар охирини чибозорнинг жанг майдонидаги сўнги хамларини ёдга соглудай тарзда авжига минди. Шовкин-Суронларгоҳ пасайиб, гоҳ кучайди, ерда юзубан ётган жувоннинг танаси эса бирдан кенгая борди. Хонани бир нафасда

Кандайдир хам муаттар, хам ачимсик хид коплади. Пу-
факдай шишган вужуддан эса яна бир вужуд бунёд бу-
лаверди! Хонада карсылашлар тинганда иккى тана чүчib
уйгонгандек қалкиб оёкка туриши. үжанак булиб кол-
ган аёл даг-даг тиграб, тилга кирди:

— Кимсан, мендан нима истайсан? Жонимни олсанг
олиб күякол, факат мени қийнама!

Жувоннинг нусхадоши мийигида кулиб кўйди:

— Менга сенинг жонинг керакмас.

— Бўлмаса мендан нима истайсан?

Нусха энди хо-холаб кулди:

— Хеч нарса.

— Бўл... Бўлмаса нега келдинг?

— Нега келганимни билмайсанми?

— Нега келганимни билмайсанми?

— Йў-ўк... — деди жувон қалтираётган оёкларини
яширишга уриниб.

— Мен сени жазолагани келдим.

Жувон сапчиб тушди:

— Нега?

— Сен гўзалликни дорга осмоқчи бўлдинг! Бунга эса
хаккинг йўк!

— Лекин... ахир жаллодлар гўзалларни хам осишган-
ку!

— Ундај жаллодлар албатта жазога лойиклар, аммо
сенчи, сен ахир Аёлсан-ку! Шунинг учун хам хаккинг
йўк!

— Мен яшаши истамайман.

— Бехуда уриняпсан, — деди нусха бошини охиста
тебратиб. — Сен яшашига мажбурсан, то ўзим сени тарк
этмагунича.

— Нега? Ўз ихтиёрим билан ўлишга хакким йўкми?

— Шошма, шошма, — деди нусха кизиксина.

чи, сен нега ўзингни осмоқчисан?

— Мен... мени эрим ташлаб кетди.

— Хиёнат килдингми?

— Йўк-йўк! Мен уни жуда-жуда севаман. Унинг учун
хар нарсага тайёрман. Унга эришгунча канчадан-канча
азоб-укубатларни бошимдан кечирдим. У эса мени
ташлаб кетди. Нима килай, оёкларимга йикилдим,
худонинг зорини килдим. Аммо у кўнмади.

Нусха ижирганди:

— Э, сен... эсини еган тентак экансан-ку!

— Нима килай, севардим... У сиз менга дунё коронгу.

— Бас кил! Наҳотки сен ўзингни унга оппа-осон топ-
ширгансан? Унинг мухаббатини козонмай туриб-а!

— Балки хакдирсан. Аммо мен уни барибир севаман.

— Сени у шунинг учун ташлаб кетган. Ахир аёл севи-
лиш учун, мард йигитнинг кўз ўнгидага кўл етмас юлдуз-
га, бокира орзуга айланни учун тугилган-ку! Йигитлар
эса севишига ва мухаббатлари йўлида хар кандай тўсиқни
мардонавор ёнгиб ўтиша яратилган. Кўкрагида ёли бор

хар йигит ўз суюклигини факат мардлик билан ожизу
ногавон, бўйнига аркон солинган кул холигу кептир-
моқчи бўлдингми?!

Нусха шундай дея жувоннинг үжанак булиб ётган
ўринидан тургалиб, кўзларига тик бокди. Жувон унга карай
омай юзини яширмокчи бўлди. Бирок нусха уни энди
ўлига торта бошлади... Иккисининг ўртасида лов этиб
олов ёнди...

Жувон гипамга "шилк" этиб йикилди. Бироздан сўнг
кўзлари очилди. Очилди-ю, сапчиб тушди. Теварак-ат-
роғни кўздан кечира бошлади. Ойнавандли тоқчадаги
чинни идишлар, кандил тошчалари, тошойнадаги гулдон
килг этимай турарди. Жувон ўтирилиб деразага каради.
Дераза кўзлари бус-бурутн эди. Шифтдаги аркон жойида
пўк Девордаги сурат эса, гойиб бўлганди...

ЧЕМПИОН

Старт берилиши биланок, трамплинда турнакатор садортый турган спортчилар ховузга шұнғиб, атрофни мұхлиснэр шөвқини туғиб кетді. Бу пайтда махсус тайёргарлықтардан үтпән саккыз спортчи сув остида баликлар поїтасыни бошлаб юборған эділар. Сувда эркін харакаттаниша мосташан چүмілиш кийимида мисоли дельфинларни эстествучи чаккон спортчиларнинг кулоктарига шу тобда хеч нараса эшилтілмас, аксинча, улар ичпаридаги одамлари билан қизғын баҳста кириштан, бир эшилгүвчіта, бир гапи-рувчига айланиб, үзләри билан үзләри тортишмокда, бирларини бирләри енғиша уриниб, пировард натижә – факат марра сари дадил-дадил интилмокда эділар. Түртнинчи категорда бу тун шишлоатини йиғиб, кучини жам килип, сузища бошқалардан көлиб кетмәстікка интилаётгән, тиірак спортыннинг күлогига шу тобда кимдир шивирләгандек бўлуди:

— Үгілой, эркін, эркінрок харакат, күчингнинг борини сарғраб күйіма. Мухими, бир маромда, тезликин аста-аста, боскичма-боскич ошир. Тренерліг айтганидек... Эслаяпсанми?

— Хўл, рахмат.

Үгілой ён-веридаги спортчиларга Карагиси келмасада, негадир бехос уларга бир кур күз ташлади. Айникса, иккі ённегінде ракиблари илонбаликдай харакатланар, хатто бир нағаста тұхтай ёхуд сал бушашай, секиншай демас, отилган ўқдек сузишарди. Уларга бас келиш осон эмасдек.

— Ракибларнга эътибор берма, мухими, темпни, үйгүнликни бузма. үйгүнпик, факат үйгүнпик...

— Рахмат.

Үгілой белгиланған метрларни боскичма-боскич

босиб ўтиб, энди охирги метрлар – хал кипувчи маррасары кимдир айтгани, огохтантарғанидек, захирадаги күчини сарғлаша кириши. Ракибларининг бирон бири бүшашмас, аксинча, ундан кам харакат кипмәттәнди. Шу холаттинг үзіёк уни бироз бүшаштириб юборди. Күтилмаганда номаълум мухлисими, тренерими, кулоктарига шивирлашда давом этди:

— Ишонч, бу сенинг охирги захирадарларинг. Угина сени маррага етказиб келади. Сени күплаб мухлиспаринг хам шуни хохлашяпти. Сен уларни эшилтаяпсанми, хис кипалыпсанми? Кўрдинг, улар сени яхши кўришади. Гойибдан куч келдими, захирадаги кучларни хам мўлпроқ эканми, мусобака бошидаги куч тенглигидаги харакат билан аввалгиданда илдамроқ, чаконрок сузиб... хаммани хайратда колдириб, финиш чиитига биринчи бўлиб етиб келди. Сув юзасига калкиб чикиши билан кулоклари кий-чувга тұлиби.

— Баракалла, үғилой!

— Биз сен билан фахрланамиз, үғилой!

Кіз киргокка чикиши билан уни мураббийлары, спортчи дугоналари, айрим ракиблари хам келиб, бири кучиб, бири ўтди. Орадан хеч канча ўтмай, хали нағаси иштеп ростлаб ултурмай, уни шохсуплага таклиф килишганды киз күнмай, юкори күчләнниши карнайға ишора килиб, “аввал эълон килсін” дегандек, жавоб килиб, бир нима ёдига түшди: “Бояғи киши кани?” Унга далда бүлган мухлисими, тренерими ён теварагидан, атрофидан кидирди. Аммо у бекорга уринаётганини ўйлаб колди: “Бу каттик хаяжонда бўлиб тұрадын холат. Киши бүндай пайттарда түш билан ўнғи фарқлоп колади. Уша киши ким бўлса хам рахмат. Үйлаган ниятимга етдим. Чемпион бўлдим”.

Хаяжонли дакикалар борган сари яқинлашиб келар,

дакикалар ўрнини сонияларга бушатиб борарди. Нижоят...
— Ўгилой Исмоилов! Сув спорти буйича жаҳон чемпиони. Ўзбекистон!

Махобатли спорт майдонида юкори кучланиши карнайлаардан жаранглаган бу товушдан хаммаёк зириплаб кетгандек бўлди. Хамма бирдек котди. Аммо айrim кишиларга кайта жон бахши этилиб, гимирлаб колишиди. Ўгилойни тезда минбарга чикариб, кучогини гулларга тўпдириб юборишиб, яна ўлиб-кучишиди. Яна орага жимлик чўкди.

Мусобака шохсуллари тепасидаги байрокларнинг бири, Ўзбекистон байроти юкорига кўларилгани хамон хилтираб, зум ўтмай унга хамоҳанг бўлиб, давлат гимни янгради.

Хаяжонли дакикалар шу тобда барчани, айни пайтда шохсуланинг биринчи тиллапоясида ўзига ярашикли спорт кийимида кўзлари чакнаб турган ўзбек кизи — Ўгилойни хам камраб олганди. Киз дастлаб ўз мураббиялари, азиз кишилари, муҳлисларига мамнун киёфада караб олдида, сўнг боши узра хилтираб турган давлат байротига қарай туриб, кўзларига дув келган ёёни тўхтатиб кололмади. Убу холатига парво киммай шохсулда магур, жатто килт хам этмай турарди. "Ох, — деб юборди ичи тўкилиб кизнинг, — хозяир онам, отам ёнимда бўлганлариди эди. Аксига олиб, шундай пайтда онам касалхонада, опам эса у кишининг тепасида. Отам эса.. бизни барвакт тарк этганлари хам чакки бўлди-да. Хозир, шу тобда хаёт бўлганларидаги мента жиммайиб ёки ёнимда дадда бериб, балки, балки бағриларига босиб турган бўлардилар. Отапинам-а, отам-а!"

Кутимагандаги мусика садолари тиниши билан Ўгилой бетокат бўлиб котди. уни табриклагани гул кучоклаб келган мураббийлари, дугоналари, спорт қўмитасининг

ташклий бўлими вакиллари билан тез-тез учрашиб, наридан бери миннатдорлик билдириган бўлди, гулдастапарни олган, табрикларини қабул қилиган бўлди-да, мураббийнинг кулогига бир нималар деб шивирлади-да, кийиниши хонасига караб югуруди. Хамма ортидан, хатто мухбирлар хам диктофон, фотоаппаратларини ушлаганча, елка кисиб колишиди.

Киз эса, у ерда кийимларини апил-тапил алмаштириб, ортидан югуриб келган мураббийнинг хой-хойига хам карамай, тикка туриб колган мухбирларни-ю, ташклий бўлим мутасаддиларини хайратда колдириб, юзини курткасининг калпокчasi билан ёлиб олиб, ташкарига югуриб чиқди-ю, ўтаетган дуч келган машинани тўхтатиб, сўриб-суринтиримай, машинага липпа чиқиб олиб, "Хайдаверинг" дегандек ишора килди. Такси хайдовчиси сочлари опток окарган кария бошини сарак-сарак килганди, Ўгилой: "Аэропорт", деди. Шундан сўнгина хайдовчи юзига мамнунлик иниб, илжайгача газни босди.

Ортидан югуриб чиккан мутасадди йигит ўзи билан бирга чиккан мураббияга караб, ўдагайлади:
— Бу нима килгани, каерга кетди? Нима, бу ерда унинг танишлари, Кариндошлари борми? Сенга нима деди?
— Билмадим, бугун чисто ростдан 15 ми, деб суради.
Ха, дедим. Бошка ҳеч нарса демай, питирлаб колди.
— Каерга кетди шу тобда, учрашуви бор эканми? Бу ерда Тошкент бўлмаса...

— Бу ерда нима қиласди, у уйига кетди. Бу ерда тилни хам билмайди-ку.
— Канака килиб боради, яна адашиб, полицай кўлига тушуб, бир балони бошлаб юрса нима қиласми?

— Аввал хам келган бу ерларга, аэропортни билади.
Кўлида билети хам бор. Ундан хавотир олманг, у кўзини юмиб кўйсангиз хам уйини топиб боради. Ўгилой зийрак кўз,

— Матбуот конференцияси нима бўлади? Биз уларга

нимадеймиз?

Мураббий елка кисди. Мутасадди ичидаги бир нима деб гудранганча нари кетди.

Ўгилой бу пайтда халкар аэропортга етиб келиб, режаси бўйича билетини алмашириб, омади кулиб турган экан, ютурганча йўловчилик кабул килаётган автобусга чикиб олди. Кейин хамма билан биргаликда авиалайнер зина тоясига келиб, дадил-дадил, айни пайдага хотиржам юкорига кўтарила бошлади. Шу тобда ёдига тушиб, билагидаги соатниси караб кўйди. Соат миллари кечки вакт 18.00ни кўрсатиб турарди.

Паттада кўрсатилган ўриндинка ўтириши биланок ёнгил хўрсиниб кўйди. Кўзларини юмиб, хаёлга чўмди.

„Кизим, биламан сенга сузишини ўргатишинг ғалати туояпти-а. Бу ўгил болалар учун керак деб ўйлаяссан, шундайми? Йўқ, сузишини хамма билиши керак. Машина хайдашни биллиб кўйсанг, нимаси ёмон? Йўқ, буларнинг хамаси мен учун ёки онанг учун эмас, биринчи навбатда ўзинг учун керак. Чунки инсон хаёти тасодифларга тўла.

Киши хар нарсага тайёр туриши лозим. Билмайман, де-

йиш уят. Яна бир гап, биласанми, одамзод кўп нарсани билмагани учун хам унга хамма нарса мўъжиза бўлиб кўринаверади. Буни билган киши учун эса у нарса ўз мўъжизалигини йўкотади. Хой, гапларимни эшиласанми?

Ўгилой чўчиб тушиб, бир — патнис ушлаб турган мулоим ствардесса кизга, бир катор стаканчалар ичидаги ёнгилгина чайкалаб турган ичимликка караб турди-да, бирини олиб, „сенкю“ деб, стаканчани лабига аста тек-кизди.

“Сув хамма нарсани поклайди! Юваниб, чўмиллишни канда қилмаган кишининг руҳи доимо тетик, бардам булади. Ўзини хамиша кушдек ёнгил хис килиб, дарди хам ариб туради. Ха, сув дардни хам олади, кизим. Хатто

тушини хам сувга айтсанг, у сенинг юкингни, кайгунгни олади. Сув факатгина ичилгани учун азиз, мукаррам эмас, дардингни, губорларингни хам олгани учун хам кўзга туттиёй”.

Ўгилой бу гапларни отасидан ўнгида эшилтаяпими, тушидами, хаёлидами, унинг учун фарксиз эди. Отаси билан кечган лахзалар яна кўз ўнгидан ўтди.

„— Кизим, сенга кўп гапириб юбормадимми?

— Йўқ, дада, нега ундаи дейсиз? Сиз бизга факат яхшиликни раво кўрасиз. Эшилтаниман, онамнинг хайхайига хам карамай, чакалоклигимдаёк мени сув тўла ваннага ташлаб юбориб, онамнинг эспарини чикарип юборган экансиз. Тўгумми, дада?

— Шундай бўлганди, кейин онанг кўникиб кетган. Йигласанг, сув олдига олиб борадиган бўлгган. Ўшандада хам ичига тушаман, деб кўп талминардинг. Онанг эса, боримиз бор, йўгумиз бор, кундамас кунида бис бехабар сувга шалоп этиб кетса-чи, деб кўп ваҳима киларди. Кўрдинг, онанг сенларни менга хам ишонмасди.

— Шунакаси хам бўлганими?

— Ваннани хеч сувли сакламасди, гуруч ювган сувнику, дарров бўшатиб кўярди. Мен эса, онаси, берган худо хоҳлаган вактида олиб кетаверади. Болани кўркитма, руҳини чўктирма, десам, боринг, китобингизни ўкинг, сизга бола тарбиялашни ким кўйибди, деб мени кувиб соларди.

— Дада, агар ўгил бола бўлганимда яна нималарни ўргатардингиз...

— Биринчи галда кураш тушишини. Чунки эркак киши ичидаги кўённи ўлдириши керак. Хеч кузатганимсан, ёнидан бир нима гиз этиб ўтиб кетса, юраги шув этиб кетган болаларни. Балки ўзингда хам бўлгандир. Ана шунака одамнинг ичидаги күёни хали ўлмаган булади. уни ўлдириши керак, болаликдаёк ўлдириш керак. Ха-

миша бадантарбия билан шуғулланиб, танасини чиниктириб борган киши арслонкелбат, девкомат бўлади.

Урушкок бўлиши шарт эмас, бирорлар олдида қалтираб турмаса бўлгани. Нафакат жисмонан чиниккан, аклихуши хам жойида бўлади. Гап-сўзлари салмоқли, ўзи викорли бўлади.

— Сизга ўшаб-а. Шунаками?

— Мендан хам кучлироқ, эпчи проқ, яна...

— Дада, менга хам ўргатасиз кураш тушишини, кучли бўлишини...

— Майли, факат зарурларини, хаётда аскотиб копиши мумкинини ўргатаман. Хўтми?

— Нега, хаммасини ўргатаверинг.

— Йўқ, киз болага бундан ўта хам зарур, билиб кўйиши шарт бўлган жуда кўп нарсалар бор, кизим... Фойдаси бор...

— Хе, онамга ўшаб, эрта туриб, ховли, кўча супуришим керакми?

— Эрта туриб, ховли, кўча супурган, ер юзини очган билан баробар. Хамма савоб шунда-ю, кизим. Шунинг учун кексаларимиз хам, ана, бувингни супурги ушлаган вактларини кўп кўргансан-а.

— Ха, уша куни супуриб бўлиб, энди бир пиёла чой исчам бўлади, дейдилар. Энди шунга лойикман, дейдилар.

— Худо олдидағи юмушимнинг бажариги кўйдим, хам дейдиларми?

— Ха, кейин, анча енгил тортдим, хам дейдилар. Чакон бўлиб қоладилар.

— Ана, кўрдинг, кўча супуриб, ер юзини очган одам-

нинг кўнглидан губори кўтарилади. Енгил торгади. Янги кунни ёргуғ юз билан кутиб олади, кизим. Кўрдинг, биз сенга нималарни раво кўрамиз.

— Чемпион бўлгим, телевизорда чикким келаётпти...

— Хали хаммасига улуграсан. Бунинг учун куч йиги-

шинг керак. Бошингта илм, тананга кувват.

— Биринчи ишни нимадан бошлишим керак?

— Энг биринчими?

— Ха, энг биринчиси.

— Сени жонидан хам яхши кўрадиган бувангни, буҷарлишга одатланишинг керак...

Ўғилой ўйғониб кетди. Дарров билагидаги соатига кам яхши бўларди. Тошкентга етиб келдикми, дейман".

Ойнакдан атрофга Каради: Коронгулик чўкиб ултурган, уф-бу ерни чироклар шульга сочиб туриди. "Кечикдим, барибир кечикдим" деганча лабларини тишлаб, кўзлари ёшлианди. Гимнирлаб колган йўловчиликарга кўшилиб, бирор хушёр тортиб, тараффудуга тушди. Остидаги самолёт кўн-мокда эди.

Ўғилой одати бўйича тез-тез юриб, хатто секин борягтан кишиларни хам тутиб ўтиб, такси хайдовчилар билан йўловчилар гужтон ўйнаётган кўчага отилиб чиқди. Уни хам бефарқ колдиришмади. Бир такси чи йигит:

— Синглим, йўл бўлсин, арава керакми? — деди.

— Ха, керак, — деди киз унинг юзига хам карамай, — факат шошаётгандим.

— Бир оғиз сўзингиз, манзилингизга тезроқ олиб бориша харакат киламан. Чикинг машинага!

Ўғилой таксига ўтирибок:

— Бирордлар кабристонига хайданг, — деди.

Йигит бир сапчиб тушди:

— Уша ернинг бошкача номи хам бўлса керак...

Кулокка жуда галати эшигиларкан. — Менга айнан ўша ер керак, ёни-вери эмас. Шошилаётганимни хозиргина айтдим-ку.

Йигит кизнинг авзоидан хазил-хазил гапни ўрни эмаслигини тушуниб, чурк этмай моторга ўт олдирди. То ман-

зилгача етиб борунча хам индамай борди. Сүнг у киз берган пулуга, миннатдорчилуга хам карамай, келган томонига қайтди.

Үгилой зим-зиё кабристонга гүё институт йўллагидан шошиб чикаётган талабадек кири бориб, теварак-атрофига парво хам кипмай, тўрига юрди. Бироздан сўнг гина бир, четлари панжара билан ўралган кабр олдига келиб, тўхтади. Кабртош ёнида кўзига илинган ортичча шоҳни, барларни тез-тез олиб, ташкарига чикарди. Биринки ўт-майсанни юлиб, уни хам четга ташлади. Сўнг ихчамгина, махсус курилган ўриндикка охиста ўтириб, типоват ўкишга тушди. Сўнг юзига фотиха тортиб, кўзларига ёш олиб, гапиришга энди оғиз жуфтлаганди хами ёнига кимдир келгани сезиб, ўша томонга каради. Бир кария, шу ерга карайдиган киши шекилли, унга дароров салом берди.

— Ваалайкум ассалом, қизим. Шу бемахалда бу ерда нима қилиб юрибсиз?

Үгилой кабртошга ишора килди, кўзларида хамон ёш халкаланиб турарди:

— Огамнинг олдига келдим. Кечиринг, отахон, тин-чингизни бузган бўлсан...

Кария салмоқланиб гапириди:

— Кундузи келиш керак эди, қизим.

Киз баттар.. йиглаб юборди:

— Хар йили отамнинг туғилган кунлари оиламиз билан жам бўлиб келиб, отамини зиёрат килиб, рухларини шод этардик. Онам бетоб бўлиб, касалхонага тушиб колдилар. Опам хам у кишининг ёнида. Хар йили кандо кипмай келадиган кунимиз биз хар кәёда бўлиб колдик. Отамни ёлгиз колдиридик. Ахир, биламан, бугун отамиз бизни кутганлар. Мен эса, жондан азиз қизлари, бир дунё кунончлари мана бунака, кечикиб юрибман.

— Кун бўйи вактингиз бўлмадими?..

— Шу келишда чет элдан келаятман, хозиргина самолётдан тушдим. Барибир кечикдим.

— Баримир келибсиз-у, қизим.

Купилмаганда паймонаси тўлиб кетган киз хозиргина ёнига чўкка тушиб ўтирган кариянинг елкасига ўзинини ташлаб, баттар узвос солиб юборди.

— Йиглама қизим, йиглама. Барибир келдинг-ку, оғангнинг руҳини шод кипдинг-ку. Отанг сени кўриб туриди, у сендан миннатдор.

— Отамни эса кун бўйи илҳак килиб, куттириб кўйганинни ўйтаб, ўзимни кечира олмаятман. Улар билан оэгина гаплашсам майлими, амаки?

Бундан бенихоя тъсирланган кария кўз ёшларини тия олмай, беихтиёр кўли унинг сочларини силади. Майин силади. Ва пешонасадан охистагина ўтиб кўйди, Сўнг ўринидан даст туриб, нари кетаркан:

— Майли, энди ёлғиз копсанг бўлади. Рахмат, қизим удаладинг. Баракалла..

— Ота,, Ота, мени эшияятсизми.

Ўринидан качон тургани, каерга караб бурилганини Кўролмай колган Үгилой у ёкка-бу ёкка аланглаб колди. Кария бир зумда гойиб бўлганди.

* * *

Тонг сахардан одатдагидек спорт коржомасида югуришига чиккан Үгилой бомдод намозини ўқиб кайтаётган мўйсафидларга салом берган эди, бир-икки отахон унга ўтирилиб:

— Қизим, Үгилоймисан, — деб колишиди бир-бирига.

— Абдулланинг қизимисан. Раҳмат-эй сенга, қизим. Кечателевизорда кўрдик. Болладинг хаммасини. Ҳаммамиз сени дуо килиб ўтиридик.

— Баракалла, қизим, юзимизни ёруқ килиб бердинг!..

МУНДАРИЖА

Айтилган сўз масъулияти (Эркин Усмонов)	3
Фариштамсол рух	4
Шахзода ва такдир	36
Кавуш	56
Тазарру	66
Чемпион	70

Зоир ЗИЁ

ФАРИШТАМИСОЛ РУХ

(Мистик кисса ва хикоялар)

Мукаррид: Рашид РАУЛОВ

Рассом: Осимхон ВОСИХОНОВ

Саҳифалари Латиф ЗАМОН

Мусахиха: Азиза ТУРСУНОВА

Лиц. А1 № 239. Босишига 05.03.2015. руҳсат этилди
Бинчими 84X108 1/32. Ҳажми 5.0 т. Адади 500. Буюртма № 29.

«ADABIVUOT ISHQUNLARI» нацириёти. 100115, Тошкент шаҳри,
Ўқиқ кўчаси, 109-уй.

«ADAD PLYUS» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент ш., Бунёдкор кўчаси, 28-уй.